2006 ЙИЛ, 16 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (10.672)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 12-15 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси билан боғлиқ масала кўриб чиқилди.

● «ЭКОСАН» Халқаро ташкилотининг саломатлик поезди Зарафшон воҳаси томон йўл олди. Инсонпарварлик юклари, жумладан озиқ-овқат, дезинфекцияловчи воситалар, кийим-кечаклар, кўрпа-тўшак ғилофлари, пойабзаллар ортилган поезд Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ёзги оромгоҳларда дам олаётган болаларга тортиқ этилади.

● Замонавий «Бахт уйи»да никоҳдан ўтишни Қизилқум ёшлари кўпдан буён орзу қилишарди. Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида конимехликларнинг бу орзуси ушалди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Навоий вилоят адлия бошқармаси ҳамда Конимех тумани ҳокимлиги ҳамкорлиги ва ҳомийлигида бунёд этилган янги «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди.

● Амир Темур номидаги Урганч шаҳар маданият ва истироҳат боғида «Қудратимиз дўстлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусида театрлаштирилган фестиваль бўлиб ўтди. Хоразм вилоят ҳокимлиги ва Корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда турли миллат вакиллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик иштирок этишди.

● Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейида эколог олимлар табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ходимларининг ёш ўлкашунослар билан учрашуви ташкил этилди. Унда мамлакатимизда минтақа табиатини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, Орол денгизи муаммосини ҳал этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

● Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида ўтказилган таниқли чарм қўлқоп устаси Сидней Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган 150 нафардан ортиқ спортчилар 11 та вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб бордилар.

● Қашқадарёда «Санитария-гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги» муносабати билан ўтказилган экологик ҳашарда 716 тонна маиший, саноат ва бошқа чиқиндилар чиқариб ташланди. 62 та канализация ва очиқ сув ҳавзаларининг санитария ҳолати яхшиланди. 114 та болалар боғчаси, 43 та турар жойлардаги болалар майдончаси, 21 та ёзги болалар оромгоҳи ободонлаштирилди.

ЖАҲОНДА

● Арманистон Миллий мажлиси раиси Тигран Торосян мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириш ниятини тасдиқлади. Арманистон парламенти спикери НАТО парламент ассамблеяси вакиллари билан учрашув чоғида Европа Иттифоқига аъзолик Арманистоннинг ташқи сиёсий йўналишларидан бири эканлиги, республиканинг Европа Иттифоқига кириши учун барча чоралар кўрилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

● Африка қитъасида жойлашган Камерун ва Нигерия давлатлари ўртасидаги ўзаро чегара билан боғлиқ тортишувга чек қўйиладиган бўлди. БМТ қароргоҳида Бош котиб Кофи Аннан Камерун Президенти Пол Бийя ҳамда Нигерия Президенти Олу Сегун Обасанжолар билан учрашиб ўзаро келишувга эришган.

● Шри-Ланканинг Амурадапура шаҳрида мудҳиш қўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Пиёдаларга қарши минага дуч келган автобус салонидаги юз нафар йўловчидан 58 нафари воқеа жойида ҳалок бўлди, 40 га яқини жиддий жароҳат олди. Ҳалок бўлганларнинг аксариятини мактаб ўқувчилари ва аёллар ташкил этган.

● Фаластин парламенти биноси яна бир бор эгаллаб олинди. Бу гал парламентга бир неча ойдан буён маош олмаётган давлат ишчи-ходимлари ҳужум уюштирди. Ҳукумат вакилларининг берган ваъдаларига қарамай, кишилар бинони забт этишган.

● Дунёда айни пайтда қочқинлар энг кўп мамлакат Ироқ ҳисобланади. Мамлакатга тинчликпарвар кучлар киритилган 2003 йилдан 2005 йил сўнггига қадар Ироқни 900 мингга яқин киши тарк этишга мажбур бўлган.

● Россияга бундан ўн йил олдин музейларнинг биридан ўғирлаб кетилган, XVI асрда тахминан Дионисий томонидан ишланган ноёб икона қайтарилди.

● Ингушетиядаги Али Юрт қишлоғи атрофидаги ўрмонда жангариларга қарши махсус операция давом этмоқда. Кеча бўлиб ўтган икки соатлик жанглардан сўнг учта жангари йўқ қилинган.

● Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси ҳисобланмиш, бундан 2000 йил аввал Хитойда ясалган Теракот армияси ҳайкалчалари (улар ноёблиги жиҳатидан Миср эҳромлари ёдгорликларига қиёсланади) Москвада намойиш этилмоқда.

ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ШҲТнинг юбилей саммитида иштирок этди

ШАНХАЙ, 15 ИЮНЬ (ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ).

Бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлди.

У Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этди.

Учрашувда ШҲТни янада ривожлантиришга, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари хавфсизлик муаммолари, дунёда ва ШҲТ минтақасида рўй бераётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар мазкур саммит ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини, ташкилот ўзи қамраган кенг минтақада тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини намойиш этишини таъкидламоқда.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида ШҲТ доирасидаги ишлар аллақачон муҳокамадан амалиётга ўтгани таъкидланди. Хусусан, «уч ёвуз куч» - террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик бўйича шу вақтгача уч маротаба қўшма машқлар ўтказилгани яхши мисолдир. Шунингдек, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан кенг кўламда ахборот алмашуви йўлга қўйилганини, «ШҲТ- Афғонистон» мулоқот гуруҳи тузилганини таъкидлаш ўринли. Маълумотларга қараганда, Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолияти туфайли 2005 йилнинг ўзида неча ўнлаб марта содир этишга киришилган террорчилик ҳаракатининг олди олинган.

Шанхай учрашуви халқаро сиёсатда муҳим аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама қилингани билан ҳам эътиборлидир. Дунёда унга кўрилган тайёргарлик ва саммитнинг ўзи диққат билан кузатиб борилди. Бунга эса ташкилот қисқа вақтда тараққий этгани, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қодир халқаро тузилма сифатида шаклангани асосий сабабдир.

Таҳдидлар ва хавф-хатарларни баҳолашдаги ёндашувларнинг уйғунлиги, хавфсизликнинг узвийлигидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилиш аъзо давлатларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Мақсадларнинг муштараклиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий муаммоларни ечишда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳи ҳукм суришини таъминламоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида эса аъзо давлатлар ўртасида энергетика ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳалар тузилгани диққатга сазовордир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аъзо мамлакатлар бу йўналишда икки томонлама ва кўп томонлама асосда ҳаракат қилмоқда.

Мажлисда Президентлар сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика заҳиралари, ерости ва ерусти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ШҲТ саммити арафасида ҳукумат бошлиқлари, парламентлар раҳбарлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарлари, савдо-саноат палаталари раисларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланган. Шанхай саммити доирасида бу сафар ишбилармонларнинг учрашуви ҳам ўтказилди. Президентлар Ишбилармонлар кенгашининг тўзилишини маъқулладилар. Бу тузилма Банкларароро уюшма ва Тараққиёт жамғармаси билан бирга иш одамларининг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу йил 30 май куни Москвада ШҲТ давлатлари парламентлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда олий қонун чиқарувчи органлар раҳбарларининг учрашувларини мунтазам равишда ташкил этиш борасида фикрлар баён қилинди. Президентлар бу ташаббусни ҳам маъқуладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, ташкилотда кузатувчи мақомини олган давлатлардан вакиллар — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбайар, Ҳиндистон нефть ва табиий газ вазири М.Деора ҳамда саммит раисининг меҳмонлари - Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло, Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) Бош котибининг ўринбосари У.Виллакорта қатнашди.

Мажлисда иштирокчилар ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади.

— Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «оловли нуқталар», ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Ислом Каримов. — Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. ШҲТга аъзо мамлакатлар Европа ва Осиё қитъаларидаги улкан ҳудудни қамраб олган. Аҳолиси эса дунё нуфусининг тўртдан бирини ташкил қилади. Шулардан аёнки, ШҲТ қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлар жуда катта. Мажлисда бу салоҳиятни тўла ишга солиб, имкониятларни амалий натижаларга айлантириш борасида батафсил фикр алмашилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити ниҳоясига етгач, ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда ШҲТнинг беш йиллиги декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёноти, Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор, ШҲТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги битим, Аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга дахлдор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай йўлларни тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис сессияси якунлари тўғрисидаги протокол имзоланди. Ташкилот доирасида Банкларароро уюшма аъзолари ўртасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Унда музокаралар «Шанхай руҳи»га мос тарзда ўтгани, ШҲТ доирасидаги алоқаларга доир ва бошқа қатор минтақавий ҳамда халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Ушбу саммит ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошиб бораётганини, унинг халқаро нуфузи юксалаётганини кўрсатгани алоҳида қайд қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг фикрича, бугун имзоланган ҳужжатлар ташкилотни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистон раҳбари бугунги саммит ва унинг натижалари икки хулосага олиб келишини қайд этди. Аввало, ушбу саммит ШҲТнинг долзарблиги ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди. Музокаралар ШҲТнинг истиқболи порлоқ, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик эса катта салоҳиятга эга эканлигини намоён қилди. «ШҲТнинг келажаги бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир», — деди Ислом Каримов.

Россия Президенти Владимир Путин ШҲТ халқларимиз турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштиришга, Марказий Осиёни дунёнинг гуллаб-яшнаётган ҳудудига айлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Расмий тадбирлардан сўнг, ШҲТга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг катта концерти бўлди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Яхши анъанага айланган бу тадбир маданияти ва санъати турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинроқ таништиришда, бир-бирининг маданияти ва санъатини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан ШҲТнинг юбилей саммити ниҳоясига етди. У аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантиришга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларни баҳамжиҳат ҳал этиб боришга, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● БУГУН Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2-кутубхонаси ташаббуси билан 293-мактаб қошидаги соғломлаштириш оромгоҳида «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказилди.

● БУГУН Миробод туманидаги Ат-Термизий номли маҳаллада ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида ҳуқуқшунослар, маҳалла ёшлари иштирок этишди.

● КЕЧА 263-мактаб спорт мажмуасида ўтказилган спорт мусобақаларида «Олмазор», «Мустақиллик» маҳаллалари ёшлари ўзаро беллашди.

● КЕЧА Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши ўқув марказида «Маҳалла» жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, туман фаоллари иштирокида ўтказилган тадбирда маҳалланинг жамият тараққиётидаги ўрни борасида ўзаро фикр алмашилди.

● БУГУН Яккасарой туманидаги 127-мактабда «Қушбеги» маҳалласи болалари иштирокида ўтказилган «Кўчма спорт ўйинлари» мусобақалари «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

РОССИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР — ЎЗБЕКИСТОНДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2004 ЙИЛ 7 ИЮЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН САВДО- САНОАТ ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДА МАЗКУР ПАЛАТА ТАДБИРКОРЛИК, АВВАЛО, КИЧИК БИЗНЕСНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲАҚИҚИЙ МУЛКДОРЛАР ҚАТЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ТУБДАН ОШИРИШГА КЎМАКЛАШИШИ БИЛАН БИРГА, БУ БОРАДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШИ ЗАРУРЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг мазкур Фармон ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларида халқаро алоқалар алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунгача кўплаб давлатлар ишбилармонлари билан амалий алоқалар йўлга қўйилиб, ўзаро ҳамкорликда савдо уйлари ва савдо палаталари ташкил этилаётир.

Айниқса, россиялик ишбилармонлар билан яхши алоқа ўрнатилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 2004 йилда 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида Россиянинг улуши 22 фоизга етди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар иштирокида 433 қўшма корхона фаолият юритаётган бўлса, Россиядаги 284 қўшма корхонада ўзбекистонлик сармоядорларнинг маблағи бор. Ўзбекистонда 80 дан ортиқ Россия компания ва фирмаси ўз ваколатхонасини очган. Ташкил этилган қўшма корхоналар энергетика, электротехника, нефть-газ, кимё, савдо, суғурта, телекоммуникация, озиқ-овқат, доришунослик, ёғочни қайта ишлаш каби соҳаларни қамраган.

Россия Федерацияси Томск вилояти губернатори ўринбосари А.Черевко бошчилигида ишбилармон доира вакиллари делегациясининг мамлакатимизга ташрифи жорий йилнинг апрелида ўтган Ўзбекистон-Россия бизнес-форумининг мантиқий давоми бўлди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Томск вилояти Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ташриф доирасида пойтахтимизда Томск вилояти кўргазмаси очилди. Ўзбекистонлик ишбилармонлар кўргазмада маҳсулотлари намойиш этилган компаниялар ва фирмаларнинг имконияти ҳамда вилоят иқтисодиётининг истиқболли соҳалари билан яқиндан танишди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри шерикчилик муносабатларини ўрнатишга қаратилган кооперацион биржа ўтказилди. Ўзаро мулоқотлар давомида томонлар ҳамкорлик алоқалари истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.

Ташриф дастуридан «Дойче кабел АГ Тошкент», «Тошэлектроаппарат» очиқ ҳиссадорлик жамияти қўшма корхоналари, «Файз» холдинг компанияси, «Тошкентвино» очиқ ҳиссадорлик жамияти каби қатор корхоналар раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ўрин олган.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

Маҳалланг — ота-онанг

ЯКУНЛАР НИМАНИ КЎРСАТМОҚДА?

АЙНИ КУНЛАРДА КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН МАҲАЛЛАГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР НЕЧОҒЛИК ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИНГ ШОҲИДИМИЗ ВА ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЖОИЗКИ, БУ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗНИНГ ТАРИХИГА ЯНА БИР МУҲИМ, ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛГАН САҲИФА КИРИТИЛИШИ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ.

Республикамиз бўйлаб ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловлар ниҳоясига етмоқда. Тошкент шаҳрида эса бу жараёнлар якунланиб, умумий ҳисоботларга ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳар сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ахборотига кўра, жорий йилнинг 15 июнига қадар пойтахтимиздаги 474 та маҳалланинг барчасида ҳисобот йиғилишлари ўтказилиб, янги муддатга фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайланди.

— Дарҳақиқат, шуни яна бир бор айтиб ўтиш жоизки, — дейди Чилонзор тумани сайловларга кўмаклашувчи комиссия раиси Маҳамаджон Деҳқонов, — ҳисобот йиғилишларига ҳар бир туман кесимида, ҳар бир маҳаллада пухта тайёргарлик олиб борилди. Хусусан, туманимиздаги 49 та маҳаллада ҳисобот-сайловлари якунланган бўлса-да, бу жараён қанчалик мураккабликларга эга бўлганини эндиэнди англаб етмоқдамиз. Мураккаблик авваламбор шунда намоён бўлдики, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги бу муҳим воқеага туман аҳолисининг эътиборини қонун талаблари асосида жамлаш, очиғини айтиш керак, осон кечмади. Ва айни пайтда кампания муваффақиятли тугалланганлигига авваламбор ишчи гуруҳларига ташаккур билдириш мумкин.

Тўғри, бу борада камчиликлар ҳам бўлганини инкор эта олмаймиз. Аммо ҳар бир маҳаллада бўлиб ўтган сайлов ўзига хос эътиборли нуқталари билан ажралиб туради, десак адашмаймиз. Баъзи маҳаллаларда вакиллар қаторида ихтиёрий равишда ҳам қатнашганлар кўп бўлди, бошқа бир маҳаллаларда сайловлар ўта силлиқлик билан ўтган бўлса, айримларида эса қизғин муҳокамаларга бой бўлди. Бу борада бир нечта ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Масалан, «1-Катта Чилонзор» маҳалласи сайловида 15 га яқин фуқаро сўзга чиқиб, кенгаш фаолиятига бир овоздан қониқарсиз баҳо беришди. Амалда бўлиб келган оқсоқол ўз камчиликларини аҳоли олдида тан олиб, ўтган вақт давомида режалаштирилган ишларнинг ҳаммасини ҳам бажармагани, комиссия аъзолари ва маслаҳатчилари билан ҳамжиҳат бўлмасдан, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бормагани, бунинг оқибатида аксарият ҳолларда аҳолининг манфаатлари, хоҳиш-истаклари инобатга олинмасдан четда қолганлигини ҳисобот маърузасида қайд этиб ўтди. Шу боис оқсоқол ўз номзодини янги муддатга кўрсатишдан воз кечиб, сайловга бир кун қолганда қайтариб олганини ҳам ошкора маълум қилди. Шу ўринда яна бир муҳим нарсага эътибор қаратмоқчи эдим. Ҳисобот берувчи оқсоқол янги сайланадиган раисга унинг хатоларини қайтармаслигини, бундан тўғри хулоса чиқариб, ўз зиммасига юклатилаётган вазифага масъулият билан ёндошишни илтимос қилди. Буни, албатта, қаҳрамонлик дейишдан йироқмиз, аммо маҳалладошлари олдида ўз камчиликларини изҳор қилишга ҳамма ҳам қодир эмас.

«3-Чарх Камолон» маҳалласидаги сайлов, назаримизда, шаҳримиздаги барча маҳаллалардан фарқли ўлароқ, ҳали кўп вақт давомида аҳоли ёдида қолса керак. Зеро бу маҳаллада ҳисобот сайлови икки босқичда — ёпиқ ва очиқ овоз бериш йўли билан ўтди.

Дастлаб раисликка олтита номзод кўрсатилиб, шулардан тўрттаси рўйхатга олинди. Йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, яъни янги оқсоқолни сайлаш жараёнини яширин овоз орқали ўтказишга қарор қилинди. Ишчи гуруҳи томонидан кутилмаган вазиятларга ҳам ҳозирлик кўриб қўйилгани боис бюллетенлар тезкорлик билан тайёрланиб, сайловчиларга тарқатилди. Бироқ саноқ комиссиясининг хулосасига кўра, тўртта номзоддан биронтаси сайловчилар вакилларининг 50 фоиздан зиёд овозини ололмагани туфайли, сайловни иккинчи босқичда очиқ овоз билан давом эттиришга келишилди. Бу жараёнда дастлабки босқичда энг кўп овоз олган икки номзоддан биттаси — Рустам Шодиевнинг тарафдорлари устун келди.

«2-Чарх Камолон» ва яна олтита маҳаллада ҳисобот сайловларини белгиланган муддатдан бошқа кунга кўчиришга тўғри келди. Сабаби деярли бир хил. Тайёргарлик жараёнлари юзасидан ҳужжатлар текширилганида, ишчи гуруҳлари томонидан вакилларни сайлаш, номзодларни танлаш ва комиссияга тавсия этиш масалаларида айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган ва уларни бартараф этиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда ишни ташкил этиш мақсадида дастлабки сайлов муддатлари ўзгартирилди.

«Кичик Дўмбиробод», «Наққошлик», «Чилонзор», «Навбаҳор», «Чўпонота» маҳаллалари мисолида шуни айтиш мумкинки, орадан атиги икки ярим йил ўтган бўлсада, бу йилги сайловлар аҳолининг ҳам фуқаролик, ҳам сиёсий дунёқараши мутлақо ўзгарганини яққол намоён этди. Маҳаллага эртага ким бош-қош бўлишига одамлар бефарқ эмаслиги, бу борада обрў-ҳурматга сазовор кишиларни танлашга астойдил ҳаракат қилинганлигига шоҳид бўлдик. Муҳокамаларда қатнашган фуқароларни кузатар эканмиз, улар кўпчилик номидан сайловларда вакиллик қилиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушунган ҳолда фикрларни аниқ, лўнда, ифодали билдираётганлари бизни ҳайратлантирди. Албатта, буни фақат яхшиликка йўйиб, демократиянинг дебочалари дея таърифлаш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш пайтида туман округлари бўйича сайланган Полянте Свешников, Гулчеҳра Охунова каби Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари фаол қатнашганини ҳам ўзига хос бир янгилик деб аташ мумкин. Ким билсин, вақти келиб депутатларимиз ҳам ўз сайловчилари олдида мана шундай ҳисоботлар берадилар. Ўз навбатида, фуқаролар йиғинига сайловлар ҳам кенг омма иштирокида бюллетенлар тарқатилиши орқали ўтказилиши анъанага айланиши мумкин.

Яна бир аҳамиятли нарса ҳақида гапириб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Сайловларда аҳоли томонидан эътирозлар кўп бўлган бўлса-да, аммо ҳамиша долзарб бўлиб келган совуқ-иссиқ сув, иссиқлик таъминоти, уйларнинг том қисми таъмирланишига оид коммунал соҳасидаги камчиликлар юзасидан чиқишлар деярли кузатилмади. Демак, кейинги икки йил давомида турар жойларда ҳокимликлар ва ҳомийлар кўмаги остида амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ишлари ўз ижобий натижасини бермоқда дейишга ҳақлимиз.

Умуман олганда, фуқаролар йиғинларига сайловлар пайтида биз, ташкилотчиларни ҳам, кўп нарсалар устида мушоҳада юритишга ундади, қолаверса ўзига хос сабоқ мактабини ўтадик, деса ҳам бўлади. Хулоса шуки, бугунги кунда кўпчиликнинг, аҳоли ишончини бир энлик коғоздаги қуруқ рақамлар билан қозониш мутлақо мумкин эмас. Бундай вақтлар ўтди. Буни яна бир бор маҳаллаларимизда бўлиб ўтган сайловлар намоён этди. Шундай экан, ҳар биримиз, қайси жабҳада хизмат қилмайлик, қандай вазифа юклатилганидан қатъи назар, ўз ишимизга масъулият билан, пировард мақсадни кўзлаб ёндошиш зарурлигини унутмайлик.

Собир Раҳимов тумани майдони ва аҳоли сони бўйича бошқа туманлардан анча фарқ қилади. Туман 58 та маҳалла кўринишидаги ҳудудий бирликлардан иборат бўлиб, бу ерда 175.998 нафар сайлов ҳуқуқига эга фуқаро истиқомат қилади. Шулардан олти мингдан зиёди фуқаролар йиғинлари сайловларида кўпчилик номидан қатнашишга муваффақ бўлиб, бўлғуси муддатга янги оқсоқолларни ҳамда уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнларида фаоллик кўрсатди.

Туман сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси Абдумавлон Раҳимовнинг таъкидлашича, барча маҳаллаларда ҳисобот сайловлари кўтаринки руҳда, қонунчиликка риоя этган ҳолда, аҳолининг фаоллиги билан ўтказилди. 24 та маҳаллада сайланган оқсоқоллар ўзини ўзи бошқариш органида илк бор иш бошлади. Шулардан Бадриддин Расулев энг ёш оқсоқол бўлишига қарамасдан (у 37 ёшда), ўтган икки ҳафта ичида дастлабки ижобий натижаларга эришгани ҳам маълум бўлди.

— Бугунги кунда тезкор ахборот тизимисиз ҳаётни тасаввур қилиш мушкул. Шу нуқтаи назардан маҳалла хусусида барча маълумотларни компьютерга жамлаб, ягона ахборот негизини яратиш билан машғул бўлмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам, илк натижаларимиз ёмон бўлмади. Ўйлайманки, бундай ахборот манбаси фаолиятимиз давомида доимий асқотади, — дейди Бадриддин Расулев. — Энди ёшимга келсак, ҳақиқатан ҳам ҳаётий тажрибам оз, аммо маҳалламиз отахонлари ва онахонлари менга ишонч билдиришган экан уни қўлдан келганча оқлашга ҳаракат қиламан. Маҳалла — катта оила. Лекин бу оилани бошқариш қанчалик қийин бўлмасин, унинг бошида турган киши (ўзимни маҳалла отаси дейишга ҳали ҳақли эмасман) ҳамма нарсага — камчилик бўладими ёки ютуқларми — бирдай масъул ва жавобгар эканлигини ҳис этиб турмоғи керак, деб биламан. Аслида мутахассислигим бўйича машинасозлик соҳасида муҳандис бўлиб ишлаганман. Кейинги пайтларда тадбиркорлик билан шуғулланаяпман. Бу борада орттирган тажрибам янги фаолиятимда керак бўлишига умидворман. Маҳалла ташвишлари менга тўлиқ бўлмаса ҳам, лекин анчамунча маълум. Мактаниш ўрнида кўрмайсиз, аммо отамнинг ёнида бўлиб, маҳалламиздаги деярли 70 фоиз хонадонга хизмат қилганмиз дея оламан. Демак, бу оилалар ҳаёти, ташвишлари маҳалламиз ташвишлари билан чамбарчасдир. Истагим, маҳалламизни аҳиллик тарк этмасин, ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин. Ҳақиқий оқсоқол номига муносиб бўлиш осон эмаслигини яхши тушунаман. Лекин бу мавқега эришиш учун билмаганимни сўраб, билганларимни кўпчиликка ўртоқлашиб, ҳамжиҳатлик билан иш юритишга ҳаракат қиламан.

Фуқаролар йиғинларига сайланган янги оқсоқоллар қаторида Хурсаной Давронова «Беруний майдони» маҳалласига раис этиб сайланган бўлса, эндиликда тумандаги Аҳмад Яссавий, Абдували Абдуқаюмов номидаги «Обод», «Чуқурсой» ва «Янги Себзор» — олтита маҳаллада бу вазифани аёллар ўтайди.

«Университет», «Бўстон», Исмоил Шоший номли маҳаллаларда сайловлар такрорий ўтказилиб, аҳоли хоҳиш-таклаблари қондирилган ҳолда янги оқсоқоллар сайланди.

Пойтахтимиз бўйича эса ҳисобот-сайлов жараёнларида қатнашган 40 мингдан ортиқ вакиллар 1,3 миллиондан зиёд аҳолининг манфаатларини кўзлаб, фуқаролар йиғинларига энг муносиб кишиларни тавсия этишди. Шаҳардаги 167 та маҳаллада янги раислар сайланди. 474 та маҳаллада эса оқсоқолларга елкадош бўлиб 6,5 мингга яқин маслаҳатчи ўз фаолиятини бошлади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Туманларда

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ҲУДУДИ ЖИҲАТИДАН КАТТА, ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ, САНОАТ СОҲАСИДА РИВОЖЛАНИШ КУЗАТИЛАЁТГАН ТУМАНЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ҚУЙИДА ТУМАНДА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР ХУСУСИДА ТЎХТАЛИБ ЎТАМИЗ.

Мирзо Улуғбек туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида бир нечта дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, 2005 йил якунига кўра туманда иқтисодий-ижтимоий соҳада бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Чунончи, саноат соҳасида сўз юритадиган бўлсак, тумандаги корхоналарда 2004 йил якунига қиёсий нархларда 195 миллиард 202 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 215 миллиард 304 миллион сўмга етди, ўсиш суръати 110,3 фоизни ташкил этди. Шунга қарамай туманда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини пасайтириб юборган 7 та корхоналар билан алоҳида ишлаш натижасида бу кўрсаткич жорий йилнинг 5 ой якунига кўра 3 тани ташкил этмоқда.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш борасида 2004 йил якунига кўра 30 миллиард 259 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳисобот даврида 32 миллиард 155 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди ва ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этди.

Алоҳида эътиборга лойиқ бўлган кўрсаткичлардан бири даромадлар тушуми бўлиб, Республика бюджетига тушумлар 82 миллиард 831 миллион сўмга бажарилди, яъни 100,9 фоизни ташкил этди. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумлар 14 миллиард 81 миллион сўмлик бўлди, бу эса режанинг 103,6 фоизини ташкил этади. Туман маҳаллий бюджетига тушумларнинг эса 100,7 фоизга бажарилишига эришилди.

Тайёр маҳсулотларнинг экспорт қилиниши борасида шуни айтиш мумкинки, 2005 йилнинг декабрь-январь ойларида 225,8 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот четга чиқарилган.

Бу кўрсаткич жорий йилнинг январь-апрель ойларида 78,8 миллион АҚШ долларига бажарилди ва бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,8 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги банклар томонидан умумий миқдори 13 миллиард 685 миллион сўмлик кредитлар ажратилган.

Мирзо Улуғбек туманида зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истиқболсиз корхоналарни тугатиш, молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш мақсадида, 2005 йилда 7 та корхона бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Кастинг» унитар корхонаси, «Медтехника» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Ўзнефтегазалоқа» корхоналари 2006 йилнинг 1-чорак якунига кўра иқтисодий соғлом сифатида дастурдан чиқарилди.

Мазкур дастурга кирган тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарига ёрдам кўрсатилиши натижасида «Тошкент трактор заводи» ДАЖни молиявий соғломлаштириш уч босқичга бўлиниб, биринчи ва иккинчи босқичларда чет элдан импорт қилинаётган бутловчи қисмларнинг шу заводнинг ўзида ишлаб чиқарилиши, тайёрланаётган 60 та бутловчи қисмнинг 360 тага етказилиши, завод тасарруфида бўлган ижтимоий соҳа объектларидан соқит бўлиши ҳамда ўз қошида шўъба корхоналарини очиши натижасида умумий молиявий натижанинг 148,0 миллион сўмга оширилишига эришилди. Шу қаторда «Ўзпахтамаш» очиқ акциядорлик жамиятига «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари томонидан 400,0 миллион сўм кредитор қарзларининг қайтарилиши таъминланди.

Мустақиллик байрами арафасида бир қанча объектлар қурилиб, реконструкция қилиниб, қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, «Олтинтепа-5» маҳалла гузари қурилди, Тошкент саноат коллежи ва 207-сонли мактаблар реконструкция қилинди ҳамда 225 ва 130-сонли мактаблар капитал таъмирдан чиқарилди. Шу қаторда 211-сонли мактаб биносини тубдан таъмирлаш ишлари бажарилди ҳамда узоқ муддатдан бери қайта таъмирланишга муҳтож бўлган «Гулистон» маҳалла гузари 3 ой муддат ичида қайта қурилиб, тўлиқ ҳомийлар ҳисобидан 106 миллион сўм сарфланиб, фойдаланишга топширилди. «Аҳмад Югнакий» мавзесида «ТИП-2» спорт мажмуасининг қурилиши ҳомийлар томонидан амалга оширилди.

«Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида даволаш муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш учун бюджетдан 54 миллион сўм ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 45 миллион сўм маблағ сарфланди. Туманда истиқомат қилувчи аёлларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Оққўрғон» маҳалласи ҳудудида «Каралин медикс» гинекология маркази ташкил этилди. Дастур доирасида фақатгина ҳомийлар ёрдамида 693 миллион сўм маблағлар ажратиб берилди.

Жорий йилнинг 5 ойи якунига қарайдиган бўлсак, бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилганлигини кўрамиз.

Хусусан, саноат соҳасида 87,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 100,1 фоизни ташкил қилган. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда 106,8 фоиз ўсишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида 285 та касаначилик билан шуғулланувчи иш жойлари ташкил этилди.

Маҳаллий бюджетга даромадлар тушуми режаси 137,5 фоизга, туман бўйича савдо айланмаси ўтган йилга нисбатан 108,4 фоизга ҳамда аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизматларнинг 100,1 фоизга оширилишига эришилди.

2006 йилнинг ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳомийлар томонидан 7-сонли сил касалликлари диспансерига 130 миллион сўмга яқин ҳамда 9-оилавий поликлиникага эса 180 миллион сўмга яқин пул маблағи ёрдам сифатида берилиб, юқоридаги тиббиёт муассасаларини қайта таъмирлаш ишлари қисқа муддат ичида амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунида кутилаётган ижобий ишлардан яна бири шундан иборатки, ҳомийлар ёрдамида «Нур» маҳалла маркази биткизилиб, ишга туширилиши арафасида турибди. Ҳозирги кунгача бу ерда ҳомийлар ёрдамида 20 миллион сўмлик қурилиш-пудрат ишлари амалга оширилди.

Футбол

ЭКВАДОР ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

КЕЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ А ВА В ГУРУҲИДАГИ ЖАМОАЛАР ИККИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ. ЎЙИНЛАР НАТИЖАЛАРИ ГУРУҲ ПЕШҚАДАМЛАРИНИ АНИҚЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАНИ УЧУН УЛАР ЖУДА КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ ТУСДА ЎТДИ.

Гамбургда ўтказилган Эквадор — Коста-Рика учрашуви ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Негаки, эквадорлик футболчилар дастлабки ўйинда Польша терма жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, чемпионатнинг энг шовшувли натижаларидан бирини юзага келтирган бўлса, Коста-рикаликлар ҳам майдон эгалари билан ўтказилган ўйинда яхши таассурот қолдирган эдилар. Бу гал ҳам Эквадор термаси чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлди. Улар рақибларига ҳимоячиларнинг ҳужум чизиғида оқилона ҳаракат қилиши, тўпни бир-бирларига аниқ ошириш бобида ибрат бўлишди.

Бундай ўйин кутилганидек, тезкор голга олиб келди. 8-дақиқада эквадорликлар ҳужумчиси Карлос Пинорио боши билан аниқ зарба берган ҳолда ҳисобни очди. Эквадорликлар ҳимоя чизиғида деярли бехато ўйин кўрсатганликлари учун бу гал Германия термаси дарвозасини икки бор забт этган Коста-Риканинг энг моҳир ҳужумчиси Пауло Ванчопе ҳам майдонда сезиларли ҳаракат қила олмади. Биринчи бўлимда фақат Дуглас Сикейро жуда қулай вазиятдан туриб боши билан тўпни дарвозага кирита олмаганлиги ёдда қолди.

Иккинчи бўлим ҳам Эквадор термасининг тўхтовсиз ҳужумлари остида ўтди. Фақат Агустин Дельгадонинг ўзи бир неча бор хавфли вазиятларни вужудга келтирди. Ниҳоят, 54-дақиқада ушбу футболчи ўткир бурчакда бўлишига қарамай, ўзига оширилган тўпни кўкрагидан оёғига туширган ҳолда жуда кучли зарба билан иккинчи тўпни киритди. Бу унинг чемпионатдаги иккинчи голи эди.

Учрашув охирларида Саборио (Коста-Рика)нинг зарбаси дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Қўшимча вақтда Иван Кавьедис киритган тўп билан ўйинга сўнгги нуқта қўйилди. Шу тариқа 3:0 ҳисобидаги ўйирик ғалабага эришган эквадорликлар Германия термасини ортда қолдириб ажойиб тўплар нисбати — 5:0 билан гуруҳда биринчи ўринга чиқиб олишди.

Англия ҳамда Тринидад ва Тобаго жамоалари ўртасидаги баҳсни мутахассислар ҳазил ила Давид ва Голиаф беллашувига қиёслашди. Зеро Англия термаси собиқ жаҳон чемпиони бўлса, Тринидад ва Тобагони букмекерлар чемпионатдаги энг заиф жамоа сифатида баҳолаб, имкониятларини бирга минг дея ҳисоблашди.

Шундай бўлса-да жисмоний тайёргарлиги яхши бўлган Африка қитъаси вакиллари кучли рақиблари билан муносиб равишда тўп суришга ҳаракат қилишди ва биринчи бўлим кутилмаганда 0:0 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлимда англияликлар умиди Уэйн Руни майдонга тушгач, улар суръатни жуда оширишди. Лэмпард, Крауч, Бекхэмларнинг кетма-кет ҳужумлари ўз мевасини бермаслиги мумкин эмасди. Ва шундай бўлди ҳам. 83-дақиқада Бекхэмнинг узоқ масофадан туриб аниқ тўп ошириши беиз кетмади. Крауч боши билан қайтариб бўлмайдиган даражада кучли ва аниқ зарба билан ҳисобни очди. Сўнгги дақиқада эса Жерард жарима майдончаси атрофида рақиб ҳимоячисини алдаб ўтиб, чап оёғи билан кучли зарба берган ҳолда ҳисобни 2:0 га етказди.

Иккинчи бўлим ҳам Эквадор термасининг тўхтовсиз ҳужумлари остида ўтди. Фақат Агустин Дельгадонинг ўзи бир неча бор хавфли вазиятларни вужудга келтирди. Ниҳоят, 54-дақиқада ушбу футболчи ўткир бурчакда бўлишига қарамай, ўзига оширилган тўпни кўкрагидан оёғига туширган ҳолда жуда кучли зарба билан иккинчи тўпни киритди. Бу унинг чемпионатдаги иккинчи голи эди.

Учрашув охирларида Саборио (Коста-Рика)нинг зарбаси дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Қўшимча вақтда Иван Кавьедис киритган тўп билан ўйинга сўнгги нуқта қўйилди. Шу тариқа 3:0 ҳисобидаги ўйирик ғалабага эришган эквадорликлар Германия термасини ортда қолдириб ажойиб тўплар нисбати — 5:0 билан гуруҳда биринчи ўринга чиқиб олишди.

Англия ҳамда Тринидад ва Тобаго жамоалари ўртасидаги баҳсни мутахассислар ҳазил ила Давид ва Голиаф беллашувига қиёслашди. Зеро Англия термаси собиқ жаҳон чемпиони бўлса, Тринидад ва Тобагони букмекерлар чемпионатдаги энг заиф жамоа сифатида баҳолаб, имкониятларини бирга минг дея ҳисоблашди.

Шундай бўлса-да жисмоний тайёргарлиги яхши бўлган Африка қитъаси вакиллари кучли рақиблари билан муносиб равишда тўп суришга ҳаракат қилишди ва биринчи бўлим кутилмаганда 0:0 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлимда англияликлар умиди Уэйн Руни майдонга тушгач, улар суръатни жуда оширишди. Лэмпард, Крауч, Бекхэмларнинг кетма-кет ҳужумлари ўз мевасини бермаслиги мумкин эмасди. Ва шундай бўлди ҳам. 83-дақиқада Бекхэмнинг узоқ масофадан туриб аниқ тўп ошириши беиз кетмади. Крауч боши билан қайтариб бўлмайдиган даражада кучли ва аниқ зарба билан ҳисобни очди. Сўнгги дақиқада эса Жерард жарима майдончаси атрофида рақиб ҳимоячисини алдаб ўтиб, чап оёғи билан кучли зарба берган ҳолда ҳисобни 2:0 га етказди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ӨЗ-ӨЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ОБРЎНИ НИМА КЕТКАЗАДИ?

Халқ орасида одамнинг обрўйини кетказадиган ёмон хислатлардан бири ёлғончиликдир. Ёлғончи бошқаларни боплаб алдадим, деб ўйлайди. Аммо обрўйи йўқолиб бораётганини сезмайди.

Ёлғончи ўзга одамга ёлғон гапириб, уни алдаш билан мақсадга етдим деб ўйлайди. Аммо кўр бир марта ҳассасини йўқотади деганларидек, ёлғончи бир куни яна ўзи алдаган одамга дуч келади ва «жазо»сини олади. Демак, ёлғон ва алдов одамга фойда бўлиб кўринса-да, бутунлай зиёндир.

Одамни заволга етаклаб борадиган қабиҳ иллатлардан яна бири хиёнатдир. Хиёнат фақат хиёнатчига эмас, бутун бир бошли халққа ҳам оғир кулфатлар келтириши мумкин.

Ёлғончиники каби хиёнатчининг сири ҳам очилади ва эл ичида хору забун бўлади. Хиёнатчи ўз-ўзига зарар қилибгина қолмайди, унинг бу шармандалигидан ота-она ва қариндошлари ҳам хижолатда қолади.

ҲИКМАТЛАР

●Тили ширин одамнинг дўстлари кўп бўлади.

●Кимки илм уруғини сепса, улуғлик мевасини теради.

●Кимки яхшилик уруғини экса муҳаббат мевасини теради.

●Кимки тафаккур уруғини сепса ҳикмат мевасини теради.

●Кимки мулойимлик уруғини сепса саломатлик мевасини теради.

●Кимки манманлик уруғини сепса ҳалокат мевасини йиғади.

●Кимки очкўзлик уруғини сепса хорлик мевасини теради.

●Кимки ҳасад уруғини сепса, ғам-ғусса мевасини теради.

АХЛОҚИЙ ГЎЗАЛЛИК

Хулқ ва сўз гўзаллиги нима? Булар сенинг одамларга нисбатан очиқ юзли бўлишинг, мулойимликни қўлдан бермаслигинг, ширин сўзлигинг, кулиб туришингдир.

Одамларни ўзингдан нафратлантирмаслигинг, уларни мойил қилишинг, юракларини ром этишинг, дўстларингни кўпайтириб, душманларингни камайтира олишинг ҳам хулқ ва сўз гўзаллигига эга бўлишингдир.

Тилингнинг ширинлиги ва хулқнинг поклиги сен учун ҳар қандай оғир ишни енгиллаштиради, тор ризқингни кенгайтиради, етолмаган мақсадларингга етказади, одамлар сени севади ва сенинг фойданг учун меҳнатини аямайди.

ҲИКМАТЛАР

●Шердан қўрққандан кўра нафсдан қўрққан фойдалироқ.

●Дунёнинг ғам-ғуссаси уч кишида бўлади: севиклисидан айрилган севувчида, фарзанди йўлдан адашган меҳрибон ота-онада, мол-мулкидан ажралган ўзига тўқ одамда.

●Кибр-ҳаво ёқимли отдир. Агар унинг жиловини ақл билан бошқарилмаса, ўз соҳибини ҳалокат томон олиб кетади.

УСТОЗЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ БАЁНИДА

Ҳар бир инсон учун ўз муаллимини ва устозини эъзозлаш, ҳурмат ва эҳтиромини адо қилиш шартдир. Негаки бу зотлар ҳар қандай инсоннинг руҳини тарбиялайди, маънавий бойлик билан тўлдиради, ҳар қандай руҳий ва маънавий камчилик ва иллатлардан поклайди, жаҳолат деган буюк айбдан холи ва озод қилади.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у инсониятни илм безаги билан зийнатлайди, уларга чиройли ва ёқимли фазилатлар билан чирой ва оро беради, тушунтириш билан фойдали нарсалардан одамни халос этади, инсонни ҳақиқий комил инсонлик даражасига етказувчи билим хазинасини уларнинг қалбларига жойлайди.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у сенинг инсонлик ҳақ-ҳуқуқларинг нимадан иборат эканини тушунтириб беради, ярамас ёмон ишлардан қайтаради ва энг яхши ишлар ва фазилатлар сари йўл кўрсатади. Улар сенинг юксаклигинг ва камолга етишингни ўйлашиб, ҳамиша жон куйдиришади, эл ичида эътиборга эга бўлишингни ўйлаб бутун куч ва имкониятларингни ишга солишади.

Муаллим ва устознинг вақтлари қимматли эканлигини билиб, айтганларига диққат билан қулоқ сол. Борди-ю, бирор нарсани тушунмай қолсанг, одоб ва мулойимлик билан қайта сўрашинг зарур. Муаллим ва устозинг нима сўрасалар кулиб туриб, одоб ва икром билан чиройли сўзларни саралаб жавоб бер. Илм масканидан ташқарида ёки кўча-кўйда уларни кўриб қолсанг, таъзим бажо қил, қўлингни кўксингга қўйиб салом бер.

ҲИКМАТЛАР

●Бадфеъллликдан қочган киши тойилишдан узоқлашади.

●Ҳақиқий мард ўз нафсига ҳоким бўлолган кишидир.

●Ҳақиқий шодлик—содиқ дўст юзини кўриш.

●Тўғри сўз ўз эгасини нажот сари етаклайди.

●Кишининг сўзи — ақлнинг тарозисидир.

●Оқил кишининг қалбини сирлар сандиғи деб билгин.

ДЎСТЛАР ВА ТЕНГДОШЛАР МУОМАЛАСИ

Дўстсиз киши—қўлсиз киши. Бу ҳикматга амал қилган одам ҳамиша дўст орттириш ва содиқ дўстларни қўлга киритиш пайидан бўлади. Эй ўғил, дўстларинг ва тенгдош биродарларинг билан одоб юзасидан муомала қилки, дўстлик ипининг узилиши бахтсизликка йўлиқиш билан тенгдир.

Дўстларинг ва тенгдошларинг сенга ширин муомала қилсалар, ҳар лаҳзада амалда меҳру муҳаббатларини изҳор қилиб турсалар бу сенга ёқадими? Сен ҳам уларга нисбатан доимо муҳаббатли бўл, ўзингга раво кўрмаган ва ёқтирмаган нарсаларни уларга ҳам раво кўрма!

Дўстлар аввало бошга иш тушганда синовдан ўтади. Демак, дўст бирор нарсага муҳтож бўлса, кўмакка шошил, ҳолидан хабар олиб кўнглига далда бер. Икки орадаги муҳаббат ана шундай пайтда ошади. Бироқ, дўстларинг бирор нолойиқ ишга қўл урсалар, улардан айрилиб қолмай деб, ёмон ишда шериклик қилма. Уларни қаттиқ туриб бу йўлдан қайтар, насиҳатингни аяма, уларнинг фалокатга дучор бўлишларига йўл қўйма!

Агар ҳаётим ҳамиша ҳаловатли бўлсин десанг дўстларинг, қариндошларинг, тенгдош биродарларинг олдида хушахлоқ ва хушчирой бўл. Хушчирой ярим давлатдир. Хушчирой одамнинг бахти ҳамиша ўзи билан йўлдош бўлади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Марказда жойлашган квартирани суткали топшираман.
Т: 157-62-48

АФСОНАДАН — ҲАҚИҚАТГА

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Чоғроқ хонада уч-тўрт киши ҳамсуҳбат эдик. Хонага ўрта ёшли бир одам саломлашиб кириб келди.

— Бу дўстимиз Ҳалимжон бўладилар, — деб таништирди уй эгаси, кейин менга қараб, — сиз танисангиз керак?

—Қаердадир кўргандекман. Лекин аниқ-таниқ танимай турибман, — дедим тусмоллаб.

— Ҳалимжон дўстимиз най чалишни қиёмига етказади. У най чалганда унча-мунча одамни сел қилиб юборади.

— Шунақами?

— Унда бугун бир эшитарканмиз.

— Албатта, бу кишини атайлаб даврага таклиф этганман.

Ўзбекона лутф билан «Олинг, олинг» қилиб бироз ўтирилгач, давра аҳлининг илтимоси билан Ҳалимжон найини қўлга олди. Бироз машқ қилиб, овозини созлаб олгач, сўради.

— Қайси куйни чалиб берай?

— Оғирроқ, хоҳлаган куйингизни чалаверинг,— дедик биз.

Хонада наво янгради. Олдинига оддий бир оҳангдек туюлган бу куй бора-бора барчамизни ўз домига тортиб олди. Теварак-атрофда пашша учса сезилгудек, ҳаммамиз жимиб қолдик. Найнинг мўъжаз тешиклари ортидан чиқаётган дардли нидо юракларимизнинг қат-қатигача етиб боргудек эди.

Барчани ўзига бирдек мафтун этган қуй тугади. Чекка-чеккадан чолғучига раҳматлар ёғилди. Шундан сўнг суҳбат мавзуи найнинг яратилиши ва пайдо бўлиши тарихига кўчди. Бу ҳақда ҳар ким ўз билганича фикр юритди. «Сиз бу фикрларга қандай қарайсиз?», — деган сўровимиз Ҳалимжонни анча ўйлантириб қўйди.

— Яхшиси бу ҳақда сизларга ўзим билган бир ривоятни айтиб бера қолай, — деди у ниҳоят.

— Узоқ бир қишлоқда чўпон йигит яшар экан. У ҳар йили эрта баҳор қўйларини қир-далага ҳайдаб олиб чиқиб кетаркан. Кунлардан бир куни у қўшни қишлоқда яшовчи бир гўзал қизни кўриб қолибди. Бундай қараса қиз ҳар иккала қишлоқни оби-ҳаёт билан таъминловчи қудуқдан сув олаётган экан. Чўпон йигит югуриб келиб қизга ёрдамлашибди. Шу баҳона улар ҳамсуҳбат бўлиб қолишибди. Қиз ҳар куни сувга келишини қўймас, чўпон йигит эса ҳамиша у келишига ҳозиру нозир тураркан. Бора-бора улар ўртасида чин севги пайдо бўлибди. Қиз билан чўпон йигит ўртасидаги муҳаббат оғиздан оғизга ўтиб бутун қишлоққа ёйилибди.

Бу гапдан ўсал бўлган қизнинг ота-онаси фарзандининг норозилиги, оҳу ноласига қарамай, бошқа бир йигитга турмушга бериб юборишибди. Айрилиқ азоби чўпон йигитнинг қалбини поралабди. У ҳар куни ўша қиз билан учрашадиган вақтда шу қудуқ тепасига келарканда, юракдаги бутун дарду ноласини қудуқ тубига термулганча сувга айтаркан.

Кунлар ўтиб қудуқ тубидан бир қамиш ўсиб чиқибди. У соат сайин бақувват тортиб бораверибди. Чўпон пичоғи билан уни кесиб, тозалаб, бир томонидан пуфласа, ундан ўз ноласи монанд сеҳрли овоз чиқибди. Шундан сўнг чўпон қамишга узоқ ишлов бериб, ундан мўъжазгина най ясабди. У машқ қила-қила шунақанги куйлар чаладиган бўлибдики, бутун қишлоқ аҳли унинг маҳоратига қойил қолибди.

Ҳалимжон анчагача жимиб қолди. Биз эса жон-қулоқ бериб, ривоятнинг ниҳоясини кутардик.

—Ҳар бир афсона ортида бир ҳақиқат ётади дейишади ота-боболаримиз. Балки найнинг пайдо бўлишига ҳам шу ривоят сабаб бўлгандир, — деди йигит ҳикоясига якун ясаб. — Ҳай, у гапдан буниси яхши деганларидек, келинглар, мен сизларга «Чўли ироқ»ни чалиб берай.

Ҳалимжон найни яна қўлига олди. Бир зумда сеҳрли бармоқлар най тешикчалари устида йўрғалаб кетди. Хонада яна сеҳрли куй янгради. У берилиб чаляпти, менинг кўз олдимда чўлу сахро, ундан ўтиб бораётган туякашлар карвони гавдаланяпти. Йўл юриб ҳориган карвон сувсизликдан аранг одимлайди. Узоқдан сардоба кўзга ташланади. Карвон умид билан унга яқинлашади. Лекин у сароб бўлиб чиқади. Яна ва яна шу ҳолат такрорланади. Ниҳоят карвон чидам ва тоқат билан йўл босиб хориб-чарчаб, бир гўзал хушхаво қишлоққа кириб келади. Куй ҳам шу ерда тугайди. Шу ўринда донишманднинг «Муҳаббат — барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир» деган сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Чиндан ҳам севги шундай бир улуғ туйғуки, у ажиб эзгуликларни юзага келтиради. Севги сеҳрли мўъжизалар бунёдкоридир.

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

Бекатда икки дугона суҳбатлашиб туришибди. Улар кийиниши билан бир - биридан кескин фарқ қилади. Гўё икки олам, икки қутб. Бири ўта ўралган, эскичасига айтганда хижобга кирган. Иккинчиси тор шим кийган. Аъзойи баданига ёпишиб турган орқаси очиқ калта кофтасидан бели шундоққина кўриниб турибди. Дугоналар бир-бирининг диди, ақлфаросати, ички маданиятини кўра-била туриб, «Сен нега бунақа кийиндинг?» деб сўрашмайди ҳам. Чунки уларнинг таъбирича ҳар кимнинг хоҳиши, истаги ўзида. Билганини қилсин, билганича кийинсин.

Автобус келиши билан дугоналар суҳбати бўлинди. Улар қайта-қайта ўпишиб-хайрлашишди.

Яқинда автобусда қизиқ ҳолат рўй берди. Ўта маданий (калта юбка, тор кофта) кийиниб олган аёл уч-тўртта ўриндиқлар бўш бўлишига қарамай, тик туриб қолди. Чиптачи йигит аёлга жой кўрсатиб, «Ўтиринг, опа» деб уни ўтиришга чорлаб балога қолди.

— Битта сен қолувдинг хушомад қилмаган. Менга гап отгунча чиптангни сотсангчи, — жеркиб берди аёл.

— Кечирасиз, опа, мен сизга хушомад қилаётганим йўқ. Жой кўрсатяпман. Уйда чиройли хотиним, иккита болам бўла туриб нега сизга гап отай.

— Хотининг, боланг бўлса нега мендан кўз узмайсан?

— Қўйинг, сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Ихтиёр ўзингизда. Хоҳ ўтиринг, хоҳ тик туринг.

Чиптачи йигит аёлнинг сўзидан ийманиб нари кетди.

